

# Академия ва “Вақф” хайрия жамоат фонди ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди



12:16 / 25.12.2023 1715

Жорий йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори Уйғун Ғафуров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди бошқаруви раҳбари Исохон Абдуллаев иштирок этишди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш

масалалари ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилган эди.

Ўтган йиллар давомида “Вақф” хайрия жамоат фонди кўплаб хайр ва саховат тадбирларини амалга оширди. Фонд ўз олдида диний таълим муассасалари, толиби илмлар, устозлар, имом-хатиблар, ноиб-имомлар, масжидда ишлайдиган ходимлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами, ногиронлиги бўлганлар ёки кам таъминланган кишиларга ёрдам бериш, масжид, мадрасаларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва диний-маърифий китобларни чоп этиш, ота-боболаримиз қолдирган меросларни халққа етказиш кабиларни мақсад қилган.